



МАЪМУРИЙ ЖАЗО ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДАГИ ИСЛОХОТЛАР ЖАРИМА ЖАЗО ТУРИ МИСОЛИДА

Жўраев Ҳасан Тифли ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси 2-ўқув курси 209-
гуруҳ курсанти Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси

Ниматов Шерзод Ниматжонович

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, майор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14706278>

ARTICLE INFO

Received: 17th January 2025

Accepted: 19th January 2025

Published: 20th January 2025

KEYWORDS

ABSTRACT

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш билан биргаликда жамиятда қонун устуворлигини мустаҳкамлашга ҳам қаратилган.

Маъмурий жазога нисбатан жавобгарлик давлатнинг асосий қонуни даражасида белгиланадиган мақсадларга, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш чорасига мос келиши керак. Зеро, янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизнинг нормаларида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади деб белгиланган. Шунингдек Давлат ва унинг органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш юритадилар деб белгиланган. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ, Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди. Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак. Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади деб белгиланган. Ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилади ¹

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш республикамизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат қуриш бўйича кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти

¹ Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон)

ҳисобланади. Шунингдек маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликка зид ҳаракатлар учун қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланган ҳолда маъмурий жазо чоралари қўлланилиши муҳим. ²Адабиётларимизда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун юридик жавобгарлик сифатида маъмурий жавобгарлик ва унда назарда тутилган муайян маъмурий жазо чораси қўлланилиши қайд этилган.³ Умуман олганда маъмурий жазонинг мақсадига қарайдиган бўлсак, маъмурий жазо – жавобгарликка тортиш чораси бўлиб,

у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Қонунчиликда маъмурий жарима жазо чораси ва уни қўлланилишининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, энг кўп қўлланиладиган маъмурий жазо чораларидан бири бу маъмурий жарима ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда маъмурий жарима, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган деярли барча маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қўлланилади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси 28¹-моддасида “Ҳуқуқбузар жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, суд ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг ўталмаган муддатини ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг тўрт соати учун маъмурий қамоқнинг бир кунига тенг жазо билан ёхуд ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг саккиз соати учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараварига тенг жарима билан алмаштиради. Бунда маъмурий қамоқнинг муддати ўн беш суткадан, жариманинг миқдори эса базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ошмаслиги керак. Жазони ўташдан бўйин товланилган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди.” деб белгилаб қўйилган. Бу ҳолатда белгиланган жарима миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваридан ошмаслиги лозим.⁴ Маъмурий қонунчиликда белгиланишича жарима деганда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликда айбдор бўлган шахсдан давлат ҳисобига пул ундириш ҳисобланади.⁵ Амалдаги кодекснинг махсус қисмида турли йўналишларда маъмурий ҳуқуқбузарликлар мавжуд. Мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилганлик учун асосий қисми учун жарима жазоси қўлланилиши, қолган жазо чораларига нисбатан маъмурий жариманинг қўлланиш миқдори юқори ҳисобланади. Маъмурий қонунчиликда жарима маъмурий жазо чораси сифатида, айбдор шахслардан давлат ҳисобига ўндириладиган пул миқдори бўлиб ифодаланади, шунингдек жарима моддий хусусиятга эга ҳисобланади. Маъмурий қонунчиликда жарима миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун эса

бу ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтдаги белгилаб қўйилган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиқиб, ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий қонунчилигида назарда тутилган айрим ҳуқуқбузарликлар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 450 (тўрт юз эллик) бараваригача миқдорда жарима солиниши ҳам мумкин. Мисол учун МЖТКнинг 189 моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун 50 бараваридан 400 бараваригача, мансабдор шахсларга эса – 100 бараваридан 450 бараваригача миқдорда жаримага сабаб бўлади. Мазкур жазо чораси

² Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси 22.11.2024 й., 03/24/1004/0948-сон.

³ И.А.Хамедов, Ў.Х.Мухамедов таҳрири остида Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик.Т., 2017 йил.

⁴ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси 22.11.2024 й., 03/24/1004/0948-сон.

ҳуқуқбузарга унинг онги ва моддий манфаатларига бевосита ўз таъсирни ўтказиши. Бу ҳолатда ҳуқуқбузар шахсининг эркинлиги чекланмайди, у бирор бир махсус ҳуқуқдан маҳрум ҳам қилинмайди, бундан келиб чиқиб, маъмурий жарима жазоси энг самарали жазо чораларидан бири бўлиб, қонунда маъмурий жазо чораларининг асосий тури ҳисобланади. Шунингдек жарима қўшимча маъмурий жазо чораси билан биргаликда қўлланиши ҳам мумкин. Бунга мисол қилиб, ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш, мусодара қилиш ёки махсус ҳуқуқдан ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан боғлиқ нормаларни олишимиз мумкин.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ва хориж тажрибасига асосланган ҳолда маъмурий жарималарни тўлашда фуқароларга қўшимча қулайликлар яратилишини, судлар томонидан қўлланиладиган маъмурий жарималарга нисбатан суднинг қарорларни ижро этишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилиши мақсад қилиб олиниб, маъмурий жарималарни тўлашда қўшимча қулайликлар яратиш, жарима юқини камайтириш, қўлланилган жарималарни ижро этиш тизимини янада соддалаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.03.2023 йилдаги ПҚ-99-сон Қарори қабул қилинди. Мазкур “Аҳолига маъмурий жарималарни тўлашда қўшимча қулайликлар яратиш ҳамда соҳада коррупцион омилларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор билан маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича қўлланилган жаримани ихтиёрий тўлаш тизими янада соддалаштирилиши белгиланди. Бу ислохот билан ҳуқуқбузарларга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқдорининг 50 фоизини, ўттиз кун ичида 70 фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисmini тўлашдан озод қилиниши белгиланди. Бу билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ушбу қарорда белгиланган талаблардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тегишли қонун лойиҳасини белгиланган тартибда киритиш юклатилди. Мазкур вазифани тўла бажариш муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 332¹-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг 18.04.2023 йилдаги ЎРҚ-830-сон қонуни ⁶билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш киритилди. Ушбу тартиб билан судлар томонидан чиқариладиган қарорларга кўра қўлланиладиган жарималарга нисбатан ҳам қўлланилиб, татбиқ этилиши инобатга олинди. Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликда янги қоида 322¹ модда яъни «Ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқдорининг эллик фоизини ёки ўттиз кун ичида жарима миқдорининг етмиш фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисmini тўлашдан озод қилинади, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно» этиб белгиланди.

Хулоса сифатида айтганда маъмурий тартибда чораларни қўллаш тизимида маъмурий жазо тури жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарнинг ўзи ва бошқалар томонидан янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун маъмурий жазо чораларини қўлланилишига оид қонунчиликни такомиллаштирилиши маъмурий ҳудудда профилактика инспекторлари томонидан

⁶ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.04.2023 й., 03/23/830/0216-сон

жамиятда ҳуқуқ тартиботни сақлаш, аниқланган ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Жарима жазосидан фарқли равишда қамоқ замонавий жазони ижро этишнинг муҳим кўринишларидан биридир. Жазонинг бу тури қонуний чекловлар билан белгиланган бўлсада тарбиялашга ва инсонни жамиятдан ажратиб қўймаган ҳолда ижтимоий ҳаётнинг бир қисми сифатида тузатиш ҳисобланади. Бу жараён инсоннинг ўз ҳаётини давом эттириш учун имконият яратади.⁷

Илгари судланган шахслар томонидан такрор ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олиш шунингдек, уларга тарбиявий таъсир ўтказиш мақсадида ички ишлар органларининг профилактика хизматлари томонидан ҳисоб профилактик иши юритилади. Бу тоифа шахсларни ҳисобга қўйиш учун асос бўлиб – суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, шахснинг жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинганлиги тўғрисидаги маълумотнома ёки унинг судланганлигини исботловчи бошқа ҳужжатлар ҳисобланади.

Илгари судланган шахсларга нисбатан профилактика (катта) инспектори «Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 36- моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган профилактик ҳисобга олиш асосларидан бири мавжуд бўлганда, шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисида ички ишлар туман, шаҳар бўлимининг, бошқармасининг бошлиғи томонидан тасдиқланадиган қарор чиқаради. Мазкур қарор шахсни профилактик ҳисобга қўйиш учун асослар мавжудлигидан далолат берувчи ҳужжатлар мансабдор шахс томонидан олинган кундан эътиборан ўн кун ичида чиқарилади. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган илгари судланган шахсларга нисбатан профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор улар яшаш жойига етиб келган кундан эътиборан уч кун ичида чиқарилади.⁸

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон)
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси 22.11.2024 й., 03/24/1004/0948-сон.
3. И.А.Хамедов, Ў.Х.Мухамедов таҳрири остида Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик.Т., 2017 йил.
4. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон.
5. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси 22.11.2024 й., 03/24/1004/0948-сон.
6. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.04.2023 й., 03/23/830/0216-сон.
7. oglu Mustofaqulov B. A., oglu Du'smatov S. R. Advanced experiences of foreign states in organizing work with persons sentenced to restriction of liberty // Bulletin news in New Science Society International Scientific Journal. – 2024. – Т. 1. – №. 6. – С. 193-200.
8. Ҳ.Бабаханов, Ж.Султонов., Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларининг ўзига хос хусусиятлари. // <https://eyib.uz/index.php/EYIB/article/view/418>
9. Эгамбердиев В. О. Жиноятнинг махсус субъекти ва унинг жиноий жавобгарлигига доир ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш масалалари // Journal of innovations in scientific and educational research. – 2022. – Т. 5. – №. 4. – С. 518-527.

⁷ oglu Mustofaqulov B. A., oglu Du'smatov S. R. Advanced experiences of foreign states in organizing work with persons sentenced to restriction of liberty // Bulletin news in New Science Society International Scientific Journal. – 2024. – Т. 1. – №. 6. – С. 193-200.

⁸ <https://eyib.uz/index.php/EYIB/article/view/418> Ҳ.Бабаханов, Ж.Султонов., Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларининг ўзига хос хусусиятлари.

10. Эгамбердиев В. О. Ўзбекистон республикаси ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш фаолиятининг долзарб масалалари.



INNOVATIVE
ACADEMY